2012 йил 7 июнь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 112 (12.173)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯНИ ИМЗОЛАДИ

Пекин, 6 июнь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан расмий ташриф билан Хитойга келди.***

Ташрифнинг иккинчи куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди, шундан сўнг Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао раҳбарлигида икки мамлакат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик, ветеринария, карантин ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2012-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти ХХР Давлат кенгаши Раиси Вэнь Цзябао, Давлат кенгаши Раисининг ўринбосари Ли Кэцянь билан ҳам учрашди.

Куннинг иккинчи ярмида Пекин шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бошланди. Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси давлат раҳбарлари иштирокида тор доирадаги учрашув бўлиб ўтди. Унда ШҲТ олдида турган долзарб вазифаларни ҳал қилиш борасида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

ШҲТ Саммити 7 июнь куни ўз ишини давом эттиради.

**(ЎзА)**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

## ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижроси таъминланиши ҳолати кўриб чиқилди. Барча ахборот-кутубхона жараёнларини интеграциялаш, ахборотга ишлов бериш ва Миллий кутубхона электрон маълумотлар базасига киритиш имкониятини яратиш орқали маълумотлардан кўп марта ва узоқ масофадан туриб фойдаланиш, таълим муассасалари ҳамда ҳудудлар даражасидаги китобхонларга хизмат кўрсатишнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари, чет тилларини эгаллаш ва қўллаш асосида кўрсатиладиган турли хизматлар ҳажмини ва сифатини ҳисобга олган ҳолда соҳа ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, доимий равишда малакасини ошириб бориш вазифалари белгилаб олинди.

Тарихий, илмий, бадиий ва маданий қимматга эга босма нашрларни, қўлёзма ва график ҳужжатларни, аҳолида мавжуд нодир нашр ва қўлёзмаларни сақлаш ҳамда электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаси батафсил муҳокама қилинди. Улар сонини кўпайтириш ҳамда кенг фойдаланиш учун мукаммал шароитлар яратиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Мамлакатимизда мавжуд ахборот-кутубхона муассасаларини йўналиш ва соҳаларга тааллуқлилиги бўйича структурасини ҳамда ходимлари сонини такомиллаштириш, инклюзив кутубхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш, имконияти чекланган инсонларга кўрсатилаётган ахборот-кутубхона хизматлари сифатини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Фойдаланувчилар, айниқса, ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини турли соҳалар бўйича мавжуд манбалардан материалларни танлаб олишда уларга методологик ёрдам кўрсатиш йўли билан қаноатлантириш, бунда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан республикада ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада ривожлантириш борасида қўйилган вазифалар ижросини тўлиқ амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





***«Истиқлол» санъат саройида «Биз ягона ва аҳил оила фарзандларимиз – буюк келажакни бирга қурамиз» деб номланган маданий-мусиқий тадбир бўлиб ўтди.***

Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

## ЯГОНА ВА АҲИЛ ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИ

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Меҳр нури» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унга Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, кам таъминланган, алоҳида эҳтиёжли оилалар фарзандлари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида меҳр-эътибор кўрсатиш, болалар ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан муҳофазалаш, уларнинг пухта таълим-тарбия олиши юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли эзгу ишлар ўзининг юксак натижаларини бермоқда. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар онгини миллий ҳаёт тарзимизга зид ва зарарли ғоялар, «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоялашга оид амалий ишлар кўлами тобора ортмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили бошланган шу кунларда тарихий шаҳарлар, диққатга сазовор масканлар, ёдгорлик мажмуалари, истиқлол йилларида барпо этилган иншоотларга саёҳатлар, музейлар, кино ва театрларга экскурсиялар ташкил этилмоқда. Ўқувчи-ёшлар учун қизиқарли маърифий тадбирлар, учрашувлар, концерт ва кўргазмалар ўтказилмоқда.

– Ватанни ардоқлаш, унинг тупроғини муқаддас билиш, истиқлолнинг қадрига етиш, жамият олдидаги ижтимоий бурчни теран англаш каби тушунчалар инсонда болаликдан шаклланиши даркор, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 1-Мурувват уйи тарбиячиси Ҳамида Рустамова. – Бундай эзгу ва олижаноб туйғуларни мурғак қалбларга сингдиришда миллий маданиятимиз ва санъатимизни тарғиб этувчи ижодий лойиҳалар, маърифий тадбирлар, мана шундай концертларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Театрлаштирилган концертда санъат усталари, ижрочи ёшлар ҳамда «Марварид» болалар театри жамоасининг мусиқий дастури намойиш этилди. Болаларга совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА**

## ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

***Ёшлар ўртасида соғлом ҳаёт тарзини тарғиб этиш бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ва давр талаблари даражасида баркамол авлодни тарбиялаш борасида изчил равишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар,шу жумладан, болалар ва ёшларнинг қатор йирик спорт мусобақалари ўтказилиши хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари томонидан ижобий баҳоланмоқда.***

Хусусан, Навоий шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт ўйинларининг ўтказилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур беллашувлар қатнашчиларига мурожаати ва мусобақанинг якунлари ҳали-ҳамон республикамиз ва хорижий эллар жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

**Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Руперт Жой** «Ўзбекистон ҳукумати ёшлар орасида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга салмоқли молиявий маблағларни сарфлаётир», дея қайд этди.

Хорижлик дипломатнинг фикр билдиришича, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари келажакда олимпия шуҳратини келтириши ва мамлакат спорт оламининг ғурурига айланиши мумкин бўлган ёш спортчилар учун яхши минбар бўлди.

*(Давоми 3-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Енгил саноат корхоналарини техник ва технологик янгилаш борасидаги амалга оширилган ишлар, экспорт сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор вазифалари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Халқаро маданият карвон саройида «Келажак овози — 2012» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Талабалик олтин даврим» деб номланди.

✓ **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида «Халқ дипломатияси — халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш омили» деб номланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

*Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Жиззах шаҳрида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. Республика Байналмилал маданият маркази, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда миллий маданият марказлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.**

**• Термиз шаҳридаги «Новофарм» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасида навбатдаги лойиҳа — инъекция дори воситалари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун 800 минг АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хориж инвестицияси, 400 миллион сўмлик банк кредити ҳамда корхонанинг 100 миллион сўмлик маблағидан самарали фойдаланилди. Бундай ўзгаришлар натижасида корхонада фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баробарга ортиб, 25 та қўшимча иш ўрни яратилди. Эътиборли жиҳати, Термиз шаҳрида жорий йилнинг биринчи чорагида манзилли инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 2 миллиард 57,7 миллион сўмлик 12 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.**

**• Наманган вилояти марказида автомобиллар учун ёритиш воситалари ва пластмасса бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хорижий корхона ишга туширилди. Бунинг учун хитойлик сармоядорлар томонидан бир миллион АҚШ долларига тенг инвестиция киритилди. Ҳозир бу ерда 30 дан ортиқ турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 3 миллиард сўмликдан зиёд фара ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш имкони яратилади. Айни пайтда корхонада маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Таъсисчилар лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга ошириш учун йил охирига қадар яна 2 миллион АҚШ долларига тенг инвестицияни йўналтиришни режалаштиришган.**

### ЖАҲОНДА

**• Тува Республикасида ёнғинни ўчириш пайтида тўққиз нафар парашют-десант хизматининг десантчиси ҳалок бўлди. Россельхоз матбуот хизматининг 6 июнда берган маълумотларига кўра буни «Интерфакс» хабар қилмоқда. Маълум қилишларича, Туванинг Байтагин туманида ёнғин 500 гектар майдонни қамраб олган. Уни ўчиришда 13 нафар парашютчи-ёнғин ўчирувчидан ташкил топган гуруҳ иштирок этган. Дастлабки маълумотларга кўра, у ердан тўрт нафар киши қайтган, қолганлари ҳалок бўлган, деб ҳисобланмоқда.**

**• Буюк Хитой деворининг умумий узунлиги 21196 километр ва 18 метрни ташкил этади. Ушбу маълумотларни ХХР Давлат маданий мерос агентлиги хабар қилмоқда. 2008 йилда бу борада олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, деворнинг Мин сулоласи пайтида қурилган қисмлари камида 8550 километрни ташкил этади.**

**• Қуёш батареялари асосида учадиган учувчили Solar Impulse самолёти Марокашнинг пойтахти Работ шаҳрига келиб қўнди, бу билан рекорд кўрсаткичли минтақалараро парвоз муваффақиятли якунланди. У 2500 километрлик ҳаво йўлини босиб ўтди ва қарийб 48 соат давомида парвоз қилди. Навбатдаги рекорд учун дунёни айланиб чиқиш керак бўлади.**

**• Бугун тонгда Адриатика денгизида Италиянинг Эмилия-Романья вилоятида жойлашган Равенна шаҳри яқинида 4,5 магнитудали зилзила содир бўлди. Бу ерда икки ҳафта мобайнида ер ости силкинишлари давом этмоқда. Миллий геофизика ва вулканология институти маълумотларига кўра «РИА Новости» агентлиги хабар беришича, маҳаллий вақт билан соат 06.08 да (08.08 мск) қайд қилинган, унинг эпицентри 25,6 километр чуқурликда жойлашган.**

# ТАДБИРКОР

***Тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминловчи ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда. Айни пайтда у иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.***

Ҳуқуқий ҳимоя

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ МУҲИМ ОМИЛ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш, муҳими, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ва бунинг ҳуқуқий заминини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг аввало, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий таъминот самарадорлигини оширишга ва тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда.

Хусусан, Адлия бошқармаси ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари иштирокида 2011 йил давомида 138 та шундан 62 марта оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинди. Жойларда 73 та турли мавзуларда семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Шунингдек, ҳар ойда камида икки марта Адлия бошқармаси ходимлари томонидан жойларда тадбиркорлик субъектлари учун «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилди. Ташриф буюрган тадбиркорлик субъектларининг муаммолари адлия органларининг раҳбари иштирокида муҳокама қилиниб, уларга амалий кўмак берилади.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ва берилган имтиёзларни тадбиркорларга ҳамда тегишли идораларга тушунтириш мақсадида бошқарманинг чора-тадбирлар режасига асосан шаҳарнинг барча ҳудудларида семинарлар ўтказилди.

Бироқ, бунга қарамасдан айрим масъул мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган имтиёзларни қўлламаслик ҳолатлари йўл қўйилаётгани ўрганишларда аниқланмоқда.

Масалан, Яккасарой туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясида ўтказилган ўрганишда Президентимизнинг 2011 йил 12 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорининг 2-банди 3-хат бошида, 2011 йил 1 июндан қуйидагича тартиб белгиланган: янги туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараварига тенг этиб белгиланган. Бироқ, инспекция ходимлари томонидан айрим тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда бунга амал қилинмай, улардан ортиқча пул ундириш ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, жамият раҳбари А. Агзамовнинг «KITHAND KIN GLOBAL SOLUTIONS» МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб 2011 йил 1 июнда ёзган аризасига асосан жамият давлат рўйхатидан ўтказилган. Бироқ, жамиятнинг устави нотариал тартибда тасдиқланган ҳолда давлат рўйхатига олинган. Худди шундай ҳолат яна 4 та хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказишда ҳам такрорланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси киритган тақдимномага кўра инспекциянинг 7 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш Департаментининг Яккасарой туман бошқармасида ўтказилган ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 7 сентябрдаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ, амалдаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 14-моддасининг биринчи қисми учинчи хатбошисидаги «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин дейилган. Бироқ, бошқарма ходимлари томонидан айрим тадбиркорлик субъектларига Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низомига асосан улгуржи савдо фаолиятига лицензия беришда мазкур Қонун талабларига риоя қилинмасдан, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси нотариал тартибда тасдиқланган ҳолда олинган.

Жумладан, «Махсус жиҳоз» МЧЖ раҳбари Д. Яшенконинг жамият фаолиятини ривожлантириш мақсадида улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиясига ўзгартиришлар киритишни сўраб 2011 йил 7 сентябрда ёзган аризасига шу куниёқ 747-сонли лицензия битими тузилиб, лицензия берилган. Бироқ, жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатларида юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси нотариал тартибда 2011 йил 6 сентябрда тасдиқланган ҳолда қабул қилинган.

Худди шундай ҳолат яна 6 та тадбиркорлик субъектларининг ёзган аризасига тақдим этилган ҳужжатларида юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси нотариал тартибда тасдиқланган ҳолда қабул қилинган. Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг киритилган тақдимномасига кўра департаментнинг битта ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

Бу борадаги ишларнинг давом эттирилиши, албатта тадбиркорлик ривожида муҳим роль ўйнайди.

**Отабек АЗИМОВ,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлим бошлиғи**

## УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг жойлардаги учрашувларида Сенатнинг ўтган ялпи мажлисида қабул қилинган қонунлар, ҳужжатлар моҳияти ва бошқа долзарб масалалар хусусида сўз юритилмоқда. Жумладан, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Хамрабой Разаковнинг Яккасарой туманида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан учрашуви ҳам қизиқарли ўтди.***

Дастлаб қўмита раиси Х. Разаков мамлакатимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг аҳамияти ва юртимизда таълим, соғлиқни сақлаш, экология, сув ва сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш масалаларига қаратилаётган катта эътибор хусусида тўхталиб ўтди. Қўмита фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида маълумот берди.

Учрашувда Яккасарой тумани ҳокими В. Муллажонов Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2011 йил 27 майдаги «Маҳаллаларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишининг ижросини таъминлаш юзасидан туман маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш керакки, 2012 йилнинг биринчи чораги давомида туманда ишга жойлаштирилган фуқаролар сони 812 кишини ташкил этган. Кичик тадбиркорликни ривожлантириб, аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш борасида «Бошлиқ», «Дамариқ», Бобур, «Тўқимачи» ва «Қумариқ» маҳаллаларида ишлар яхши йўлга қўйилган.

Тумандаги 9-синф ҳамда коллеж, лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан барча маҳаллалар, жойларда ишлар олиб борилмоқда. Маҳалла фаоллари, маслаҳатчилари иштирокида ота-оналар билан суҳбатлашиб, фарзандларини ўқишнинг кейинги босқичи билан қамраб олиш борасида тушунтириш ишлари ўтказилмоқда. Шунингдек, коллеж ва лицей битирувчиларининг ҳам ота-оналари билан суҳбатлашиб, фарзандларини ишга жойлаштиришда уч томонлама шартномалар тузилишига кўмаклашилмоқда.

Тадбир сўнггида сенатор Х. Разаков йиғилганларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Шунингдек, шаҳримизнинг барча туманларидаги маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг шу каби учрашув ва мулоқотлари давом этмоқда.

**Баҳодир ЮСУПОВ**

## ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***Юртимизда кундан кунга қурилиш кўлами ортиб, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий бинолар қад ростламоқда. Энг асосийси эса ана шундай иншоотларнинг вақтида қад кўтариши, кўркамлиги таъминланишида қурилиш ашёларининг ўрни катта бўлиб, импорт ўрнини босувчи ана шундай материаллар ўзимизда тайёрланмоқда.***

Бугунги қурилиш талабларига мос маҳсулотлар маҳаллий хом ашёдан илғор технологияларни қўллаш асосида ишлаб чиқарилиб, қурилиш компаниялари ва фирмаларининг буюртмалари асосида етказиб берилмоқда. Тадбиркорлар учун яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб, бозор талаблари асосида иш юритаётган «SK Proffstyle» масъулияти чекланган жамияти ҳам бу борада ўз нуфузига эга. Замон талабларига мос ҳолда изланаётган тадбиркорлар қуруқ қурилиш қоришмалари ва манзарали материаллар ишлаб чиқариш билан шуғулланади.




— Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида қурилиш саноатида ҳам улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Янги технологиялар асосида юртимиз иқлим шароитига мослаштирилган, замонавий ва узоқ йилларга чидамли, ўзидан туз (шўр) чиқармайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз, – дейди корхона бош директори Санжар Камалов. — Корхонамиз фаолиятини 2010 йилда бошлаган бўлиб, ҳозирги кунда халқимизга 20 хилдан ортиқ сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариб келмоқдамиз. Асосан ўзимизнинг сифатли хом ашёдан – мел, гипс, цемент ва қум, қолгани чет элдан келтирилган қўшимча полимерлардан фойдаланамиз. Айни пайтда буюртмачилар талабини бажаришда корхонамизни энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар билан жиҳозлашга эътибор қаратганмиз. Режаларимиз кўп, янада янги, Европа стандарти ва асосийси, аҳоли талабига жавоб берадиган ҳамда нисбатан арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир.

Маҳсулотнинг сифатли бўлишида асосий эътиборни хом ашёга қаратиш ҳамда юқори малакали мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бориш лозим, деб ўйлайман. Сифатли маҳсулот албатта харидоргир бўлиб, истеъмолчилар орасида ном қозониши аниқ. Корхонамизда фаолият олиб бораётган малакали мутахассислар ва ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирда фақат буюртма асосида пойтахт аҳолисига маҳсулотлар етказиб беряпмиз. Буюртмачилар маҳсулотларимизни юқори баҳолашмоқда. Маҳсулотларимиз экспортини бу йил амалга оширишни режалаштирганмиз.

«SK Proffstyle» масъулияти чекланган жамияти 2010 йил октябрда Халқаро кўргазмада қатнашиб, диплом билан тақдирланди. 2012 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллади.

Ишлаб чиқаришнинг тўла автоматлаштирилганлиги тезкорликни ошириб, буюртмачиларни мамнун этаяпти. Шунингдек, малакали мутахассислар талабларини ўрганган ҳолда янги лойиҳалар устида ҳам изланишлар олиб боришмоқда. Уларнинг амалга оширилиши маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳисса қўшади.

Ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари турларини кенгайтириш, сифатли қурилиш материалларини нафақат ички бозорда, балки чет элларга ҳам экспорт қилиш, халқимизни Европа маҳсулотларидан сифат жиҳатидан қолишмайдиган, асосийси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан таъминлаш мазкур корхона олдига қўйилган муҳим вазифалардандир.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада мамлакатимизда соҳага тааллуқли бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқдаки, бу ўз навбатида аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.***

## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЮРИТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Шулардан бири жорий йилнинг 26 апрель куни қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун бўлиб, унда оилавий тадбиркорликни юритишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Қонунда оилавий тадбиркорликнинг юридик шахс ташкил этган ёки этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга оширилган оилавий тадбиркорлик «оилавий корхона» ҳисобланиши таъкидланган.

Мазкур қонун орқали оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва афзалликлар қўлланилиши белгиланди. Бу эса оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишга кенг йўл очади. Хусусан, қонуннинг 26-моддасида оилавий корхонага солиқ солиш хусусиятлари ҳақида гапирилиб, унда оилавий корхона ягона солиқ тўловининг тўловчиси ҳисобланади, шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилди. Бундай буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ушбу қонун юртимизда оилавий тадбиркорликнинг янада ривожланишида муҳим омил вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

**Нодир АБДУҚОСИМОВ,**
**ТДЮИ талабаси**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Юридик шахс қандай ҳолларда қайта ташкил этилиши мумкин?**

**Илҳом Юсупов,**
**Миробод тумани**

— Юридик шахсни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки бошқача тарзда ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш, унинг муассислари ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Агар юридик шахс муассислари, улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади.

Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколати ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижаси вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Юридик шахс унга бошқа юридик шахс қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

* * *

**Юридик шахсни қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворислик масаласи қандай йўлга қўйилган?**

**Нигора Юсупова,**
**Учтепа тумани**

— Юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшилганда, бу юридик шахсга қўшилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ ўтади. Юридик шахс бўлинган тақдирда унинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади.

Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганда (ўзгартирилганда), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

## ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

***«Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгаши ташаббуси билан Тошкент Гидрометеорология касб-ҳунар коллежида ёшлар иштирокида ҳашар ўтказилди.***

Ҳашарда касб-ҳунар коллежи бошланғич ташкилоти етакчилари ва таълим даргоҳи фаоллари томонидан «Камолот» боғи ташкил этилиб, 1458 та гул кўчати ўтқазилди.

«Атрофни обод қилиш — барчамизнинг бурчимиздир» шиори остида ўқувчи-ёшлар кўп қаватли уйлар атрофлари, барча маҳаллалар, болалар спорт майдончалари, таълим муассасалари ва коллеж ҳовлисида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажаришди.

— Ҳашар инсонга жисмоний куч бағишлайди, ҳамжиҳатлик, меҳнаткашлик ва меҳр-оқибат туйғуларини жўш урдиради, — дейди коллеж ўқувчиси Наргиза Олимова. — Ҳашар баҳона коллежимиз атрофини тўлиқ тозалаб, дарахт таглари оқланди, теварак-атроф чиқиндилардан тозаланиб ўзгача манзара касб этди. Бугун гўзал пойтахтимизнинг қай бир гўшасига борманг, ободонлаштириш, тозалик ишларига гувоҳ бўласиз. Кўча-хиёбонларнинг озодалиги кишига олам-олам завқ бағишлайди.

Шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия университети қошидаги академик лицей фаоллари иштирокида «Жанггоҳ» маҳалласида ҳам ҳашар ташкил этилди. Ҳашарда 150 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Ҳашар давомида 1350 та гул кўчати ўтқазилди. Маҳалла атрофидаги ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланди.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Буюк Британияда ҳам йирик спорт мусобақалари ёшлар учун муҳим илҳом манбаи ҳисобланади, деган тугал ишонч бор. Ўзбекистондаги каби жорий йилда Британиянинг 13 мингта мактабида таҳсил кўрадиган ёшлар ҳам мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган спорт ўйинларида иштирок этадилар. Биз мазкур ўйинларнинг завқ-шавқидан имкон қадар кўпроқ ёшларни спортга жалб қилиш учун фойдаланиш истагида бўлганимиз баробарида спорт тадбирлари орқали Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардаги ёшларни унга жалб этишга интилмоқдамиз. Ана шундай ташаббуслардан бири – «Илҳом» халқаро дастури бўлиб, у дунёнинг 20 мамлакатидан 12 миллиондан ортиқ болалар учун спорт тадбирларида қатнашиш ва жисмоний жиҳатдан чиниқиш имкониятини яратади», деди Р.Жой.

Элчи Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоасининг медаллари аввалги ўйинлардагидан ҳам кўп бўлишига амин эканлигини изҳор этди. «Ўзбекистон Президентининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида ана шундай эзгу тилак ўз ифодасини топган. Мен ўзбекистонлик спортчилар билан учрашган чоғларимда уларнинг Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши доирасида қандай улкан ишлар амалга оширилаётганига бир неча маротаба гувоҳ бўлдим. 50 нафардан ортиқ ўзбекистонлик спортчи енгил ва оғир атлетика, кураш, бокс, дзюдо, таэквондо, эшкак эшиш, сузиш, велоспорт, теннис ва қиличбозлик каби спортнинг 16 тури бўйича юксак мукофотларга эришиш учун Лондонга йўлланмани қўлга киритганликларини ҳисобга олган ҳолда шуни ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон олимпиадачилари мазкур ўйинларда жуда яхши натижаларни кўрсатиш учун барча имкониятларга эгадирлар. Биз уларга омад тилаймиз», дея таъкидлади хорижлик дипломат.

**Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатлари бўйича эксперт, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Со Гон И** юртимизнинг мустақиллик йиллари давомида эришган ва Жанубий Корея элчиси сифатида республикамизда фаолият кўрсатган даврда шахсан ўзи гувоҳ бўлган муваффақиятларидан ҳамон қувонишини билдирди.

«Мустақилликнинг илк йилларидан бошлабоқ Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, болалар спортини янада тараққий топтириш, шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт инфратузилмасини бунёд этиш билан боғлиқ ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Спорт иншоотлари болаларни кенг тарзда спортга жалб қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади», деди у.

Экспертнинг фикрича, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада ўйинларини ўтказиш орқали ёшларни спортга жалб қилишнинг уч босқичли ўзига хос тизими, Ўзбекистон Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим бўлаги ҳисобланадики, буни бошқа мамлакатларда учратмайсиз.

У Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг яратилишини ва спортни ёшлар орасида оммалаштиришнинг бундай ўзига хос тизимини юқори баҳолади.

«Ўзбекистон вакиллари энг йирик ва нуфузли халқаро спорт мусобақаларида тобора фаол ва муваффақиятли иштирок этишмоқда. Ҳозирги вақтда ўзбекистонлик ёш спортчилар Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида совринли ўринларни эгалламоқдалар», дея фикр билдирди эксперт.

Шунингдек, Со Гон И Ўзбекистоннинг «Болаларни асрайлик» Халқаро ташкилоти томонидан 2011 йилда тузилган халқаро рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани диққатга молик эканлигини алоҳида таъкидлади. Экспертнинг фикрича, бу мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган амалий ишларнинг халқаро даражадаги яна бир эътирофи ҳисобланади.

«Фурсатдан фойдаланиб, XXX ёзги Олимпиада беллашувларида иштирок этиш учун тез орада Лондонга йўл оладиган Ўзбекистон спортчиларига катта муваффақиятлар тилашни истар эдим», деди у.

**Корея Республикаси маданият, спорт ва туризм вазирининг собиқ ўринбосари Жи Чул Ох** йигирма йилдан ортиқ муддат мобайнида бир неча маротаба Ўзбекистонга келиш имкониятига эга бўлганини маълум қилди. «Кўп йиллар давомида Ўзбекистонда юз бераётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни диққат билан кузатиб келар эканман, мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан давлат ва жамиятнинг барча соҳаларини, жумладан, республикада муҳим аҳамият берилаётган спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар менда чуқур таассурот қолдирди. Бу борада болаларни спортга, соғлом ҳаёт тарзига тобора кўпроқ жалб этиш ва уларни эстетик жиҳатдан тарбиялашга йўналтирилган қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда», деди у.

Кореялик экспертнинг сўзларига қараганда, дунёда глобал молиявий инқироз рўй берганига қарамай Ўзбекистон ижтимоий соҳани, таълим ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратишда давом этаётгани алоҳида диққатга сазовордир. У республикамиздаги катта шаҳар ва қишлоқларда дунё мезонларига жавоб берадиган спорт мажмуаларининг бунёд этилишини, мактаблардаги спорт майдончаларининг ободонлаштирилиши борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларни юксак баҳолади.

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинларини ўтказиш учун барпо этилган замонавий спорт саройлари ва мажмуалари, стадион ҳамда сузиш ҳавзалари ва бошқа инфратузилма объектлари ҳам Ўзбекистонда ёшларнинг тарбияланиши ва баркамол ривож топишига кўмаклашади. Мамлакатингизда спортни ривожлантириш учун яратилган бундай кенг имкониятлар туфайли Ўзбекистон спортчилари, шубҳасиз, халқаро майдонларда, жумладан, яқинда Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида ҳам яхши натижаларга эришадилар, деб ўйлайман», дея ўз фикрини якунлади Жи Чул Ох.

**«Жаҳон» АА**

Ҳамкорлик

# ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИ ГЕРМАНИЯДА

***Германиянинг Фрайбург шаҳрида фаолият кўрсатаётган герман-ўзбек илмий жамияти ўзининг ўн йиллик санасини нишонлади. Германия ва Ўзбекистон фольклоршунос олимлари ўзаро ҳамкорлигида юзага келган бу жамият дастлаб «Самарқанд эртаклари» китобини тақдим этди. Бунда фрайбурглик этнограф Габриеле Келлер хоним билан ўзбек тадқиқотчиси Ҳуррам Раҳимовнинг илмий ҳамкорлиги қўл келди.***

Ўзбекистон ҳақида илмий ва илмий-оммабоп маърузалари билан ҳам мухлислар ҳурматини қозонган Габриеле Келлер Ўзбекистоннинг маънавий ва моддий бойликларини ўз кўргазмалари орқали Европа жамоатчилигига кенг ёйиб келмоқда.

Ўзбек профессори Ҳ. Раҳимов эса ноёб асарларни немисчадан таржима қилишда фаолият кўрсатди.

«Ўзбек сеҳрли эртаклари» лойиҳаси доирасида «Германия мамлакатшунослиги» дарслиги босмага тайёрланди. «Ўзбекистон аёллар маданияти» номли кўргазма Европа мамлакатларида намойиш қилинди. Тошкент Давлат педагогика университети чет тиллар факультети герман тили бўлими билан ҳамкорликда изланишлар давом этади.

**Мадина АКТАМОВА**

DAVR-BANK

***Пулнинг нималигини ва қандай мақсадларда ишлатилишини ҳамма билади. Аммо, уни етарли миқдорда қаердан олиш мумкин, деган саволга унча-мунча одам тўлиқ, батафсил жавоб бера олмайди... Бизда эса бунинг аниқ жавоби бор!***

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# «ДАВР БАНК» — ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Бугун бозор иқтисодиёти шароитида молия муассасалари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Уларнинг фаол иштироки туфайли барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар кутилган самараларини бермоқда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда юксак натижаларга эришилаётганлиги бунинг яққол далилидир. Узоққа бормайлик. Хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат «Давр-банк» мамлакатимиз молия бозорида қарийб ўн бир йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Ривожланишнинг ушбу қисқа даврида банк минглаб мижозларнинг қалбидан жой олиб улгурди. Ҳозирда банкнинг турли ҳудудларда бешта филиали мавжуд бўлиб, мижозларга тезкор ва замонавий хизматлар кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, банк нуфузли хизмат турлари билан Тошкент шаҳридаги филиаллари орқали аҳолининг узоғини яқин ва оғирини енгил қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир. Мисол учун, банк филиалларида тадбиркорлик ҳаракати кенг қўллаб-қувватланиб, кичик бизнес вакиллари учун турли имтиёз ва енгилликлар берилгани айни муддаодир. Бу бозор иқтисодиёти даврида ички бозорнинг тез ўзгарувчан талаблари асосида унга мос, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, қўшимча иш жойлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Тасаввур қилиб кўрайлик, сизда ўз бизнесингизни очиш учун сармоя йўқ. Лекин, бу маблағ молия муассасаларида етарлича мавжуд. Нимага энди сиз банкдан пул олиб, ўз бизнесингизни бошламайсиз? Ахир Ғарб давлатларида барча бизнес ишлари қарзлар, кредитлар ва акционерларнинг пулига ташкил қилинади. Шу боис сиз ҳам бу пулларни қайтара оламанми дея иккиланмасдан, бошланғич сармоя учун банкка бизнес-режа тақдим этиб, уларни кредит беришга ишонтиринг. Бугун юртимизда банклар билан ўзаро ҳамкорлик қилаётган тадбиркорлар сони тобора ортмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун қулай муҳит яратиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини очиш, аҳолига барқарор даромад манбалари яратиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Банк ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун кўплаб тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажратмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида «Давр-банк» томонидан хусусий секторга қарийб 5 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, унинг 3 миллиард 568 миллион сўмдан ортиғи савдо-сотиқ ва товар айланмаси учун йўналтирилган. Кредит маблағларининг қолган қисми эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

«Давр-банк»нинг юридик бўлими бошлиғи Самаржон Назаровнинг таъкидлашича, банкда иқтисодиётнинг кредитланмай қолган жабҳаси йўқ. Деярли ҳар бир соҳа тадбиркорларига банк ўзининг салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳамкорлик қилишда давом этаётгани мижозлар сонининг ортишига хизмат қилаётир. Албатта, мижозлари сонининг ортиши билан бирга уларнинг банк хизматларининг сифатига бўлган талаби ҳам ошиб бормоқда.

Жорий йилнинг май ҳолатида банкнинг умумий кредит қўйилмалари ҳажми 11000 миллионга яқин сўмни ташкил этмоқда. Ушбу маблағларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун йўналтирилганлиги эътиборга моликдир.

## Тезкор ва қулай хизмат

Мамлакатимиз молия бозорида рақобат кучайиб бораётган айни шароитда банк ҳам ўзининг мижозларига анъанавий ва замонавий хизматлар турини таклиф этмоқда. Хусусан, ҳозирда мижозларга масофадан туриб кўрсатиладиган хизмат тури – «Интернет-банкинг» дастури асосида сифатли хизматлар кўрсатилмоқда. Шунингдек, банк ва унинг филиалларида «Western union», «Migom», «Anelik», «Contact» номли халқаро пул ўтказмалари бўйича халқаро тўловлар амалга оширилмоқда.

Узоқ юртда ишлаётган яқинингиз юборган маблағ сизга етиб келди. Энди сиз уни қандай шаклда сақлаб, кўпайтиришингиз ва ўзингизнинг миллионларингизга эга бўлишингиз мумкин. Бунинг учун сизга кундалик, рўзғордан тежаб қолган озгина пуллар ҳам етади. Хўш, қандай қилиб озгина пулни миллионга айлантирса бўлади?

Маълумки, пул пулни "чақиради". Фақат бу имкониятдан тўғри фойдалансангиз бўлгани. Энг ёрқин мисол, банк депозитини олайлик. Банкка, шартномага асосан, омонатга пул қўйиш мумкин. Шартномада кўрсатилган муддат ўтгач, банк сизга ўз пулингизни қайтариб беради. Яна ундан фойдалангани учун қўшимча фоиз ҳам тўлайди.

Оддий математик ҳисоб-китобни келтирсак. Дейлик, сиз 100 сўмни 14 фоизлик омонатга қўйдингиз. Арзимас пул, албатта. Аммо вақт учун битмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Орадан бир йил ўтгач, банк сизга ўша 100 сўмингиз ва унга қўшиб 14 сўм фоизингизни ҳам қайтаради. Агар бу пулни яна қўйсангиз, бир йилдан сўнг сиз 16 сўм пул олишингиз мумкин. Борди-ю, ҳар куни минг сўмдан қўя бошласангиз, миллионларга жуда тез эришасиз. Эсланг, бошида бор-йўғи 100 сўм пул қўйгандингиз. Энди ҳамёнингизда қанча пул бор?

## Чакки эмас, тўғрими?

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаётган юртимизда аҳолининг банк омонатларига қизиқишини ошириш ва бўш пул маблағларини кўпроқ жалб қилиш ҳам доимий эътиборда. Шу боис ҳам «Банк — мижоз учун» тамойили «Давр-банк» жамоасининг эзгу шиорига айланган.

Президентимизнинг «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари омонатларга самарали жалб этилаётганлиги фикримиз исботидир. Кейинги йилларда банк томонидан «Тараққиёт», «Мустаҳкам оила», «Ишонч», «Коммуналчи», «Барқарор» каби йиллик ва ойлик омонатлар жорий қилинди. Омонатлар ўзларининг муддатлари ва тўлаб бериладиган фоизлари билан жозибадор. Зеро, пул доимо ҳаракатда бўлгандагина ўз қадрини йўқотмайди, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим инвестиция манбаи бўлиб хизмат қилади.

## Фаровонликка ҳисса

Инсон ҳамиша эзгу ниятлар, орзу-умидлар билан яшайди. Бахтли ҳаётга эришиш – одамзотнинг энг олий мақсади. Халқимиз ана шу бахтни ота-онада, умр йўлдошида, фарзандида, бир сўз билан айтганда, оиласининг мустаҳкамлиги, тинчлиги, аҳил-иноқлигида кўради.

Шинам уй-жой, тинчлик ва хотиржамлик, ишдаги барака, рўзғордаги тўкинлик, оқил ва соғлом фарзанд камолоти... Буларнинг барчасини ягона мақсад бирлаштиради: Оилавий бахт. Биз танлаган йўл – тараққиётнинг «ўзбек модели», инсон манфаатларини кўзлаган ислоҳотлар, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор, шаҳару қишлоқларни обод этиш замирида ана шу мақсад – оилавий бахт, мустаҳкам оиланинг барқарор бўлишидек эзгу мақсад мужассам.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 27 февралдаги «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим асос бўлаётир. Мазкур қарорга кўра, оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида тижорат банкларига ҳам бир қанча вазифалар юклатилди.

Хусусан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан ёш оилаларни кенг кўламда қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш мақсадида хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат «Давр-банк» томонидан тадбиркор аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Банк ҳозирда эришган ютуқлари билан чегараланиб қолмай, келгусида халқ фаровонлигига эришиш, аҳолининг банк хизматларига бўлган талабини тўлақонли қондириш мақсадида Республикамиз вилоятларида ўзининг филиалларини очиш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатдош хизмат турларини жорий қилиш чораларини кўраётир. Бугунги кунда мижозларнинг ҳуқуқини тўғри англаб, уларга янада зийраклик ва ҳозиржавоблик билан хизмат қилаётган банк ходимларининг иш жараёнида энг аввало, «Банк мижоз учун, мижоз банк учун эмас» тамойилига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Жаҳондаги ўрни

Мамлакатимизда молиявий барқарорликни таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва уларнинг эркинлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган ва изчил дастури, шунингдек, инқирозга қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юртимиз иқтисодиётига салбий таъсирини муваффақиятли бартараф этиш ва барқарор ўсишни таъминламоқда.

Банклар ўртасидаги соғлом рақобатнинг кучайиши уларнинг мижоз учун янгиликларни тезкорлик билан жорий этишга, инновация жараёнларини фаоллаштиришга ундайди. Аҳоли ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг турли хил молиявий эҳтиёжларини қондириш мақсадига йўналтирилган истеъмол ҳамда ипотека кредити хизмати бунда муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда банк – энг йирик, кенг тармоқ ёйган, универсал банк сифатида бир неча функцияларни – чакана банк хизматлари, корпоратив банк, халқаро молия муассасалари ва хорижий банкларнинг кредит линиялари бўйича хизмат кўрсатиш каби йўналишларда муваффақиятли фаолият юритмоқда. Шунингдек, мижозларга омонатларни ишончли ҳимоя қилишдан тортиб йирик лойиҳаларни молиялаштиришгача бўлган барча замонавий банк хизматларини таклиф этмоқда.

Банкнинг фаолияти ривожланаётганлиги, нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам жиддий ҳамкор сифатида обрўсининг мустаҳкамлангани, унинг активлари ҳамда депозит базасининг ўсишига замин яратмоқда. Зеро, ривожланиш стратегиямизга кўра рақобатга қарамай, ютуқларга эришмоқ ва хизматлар сифатини ошириш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилнинг 26 ноябрида қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, қолаверса банкнинг довруғини дунёга танитиш, чет эллик инвесторларга салоҳиятини кўрсатиш мақсадида қатор юмушлар бажарилмоқда. Ана шундай амалий тадбирлар самарасида жорий йилда жаҳоннинг етук «Standart & Poors» рейтинг агентлиги томонидан банк фаолияти юқори баҳоланди. Келгусида ушбу кўрсаткичларни янада яхшилаш учун изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, банк жамоаси мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилаётир. Мижозлар сафи кенгайиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Ишончли ҳамкорлик йўлга қўйилган жойда эса янгидан-янги муваффақиятларга эришилаверади. Зеро, хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки «Давр-банк» нинг шиори ҳам «Давр билан ҳамнафас»дир.

**Зиёда ВОҲИДОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. «УАЗ-452», д/р. 11 L 4829 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 400 490 сўм. 2. 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. «ИЖ 21-25», д/р. 11 I 2296 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 319 490 сўм. 3. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. «УАЗ-452», д/р. 11 N 2357 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 449 900 сўм. 4. 15.02.2012 й. № 3914-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. «FORD», д/р. 11 W 9962 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 904 330 сўм. 5. 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. «ВАЗ-21-02», д/р. 11 P 6347 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 269 270 сўм. 6. 14.11.2011 й. № 13128-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. «УАЗ-452Д», д/р. 11 M 3476 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 112 830 сўм. 7. 14.11.2011 й. № 13126-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. «Ваз-21011», д/р. 11 S 9211 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 273 079 сўм. 8. 16.01.2012 й. № 274-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. «Ваз 2108», д/р. 11 W 991 CA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 451 300 сўм. 9. 22.11.2011 й. № 13297-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. «HAFEI», д/р. 11 J 865 CA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 693 510 сўм. 10. 15.02.2012 й. № 3915-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. «Ваз 21-02», д/р. 11 V 872 DA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 553 680 сўм. 11. 15.02.2012 й. № 3912-сонли ижро ҳужжатига асосан 1969 й. «Газ-21», д/р. К3894ТШ автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 305 900 сўм. 12. 15.02.2012 й. № 3913-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. «Ваз 21011», д/р. 11 K 5047 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 121 300 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Бекободсавдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 13. 14.11.2011 й. № 13122-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. «ГАЗ-5201», д/р. 11 C 6984 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 255 500 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси Зафар АТС х/к омборида сақланмоқда. 14. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. «ДТ-75», д/р.сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 153 283 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси «Зафар қурилиш инвест» МЧЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 26 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан № 4980/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. «Ласетти», д/р. 70 A 713 AA автотранспорт воситаси қўйилмоқда Бошланғич баҳоси – 26 458 020 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси «BURXON-SAVDO» МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 10 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 10 июль куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 25 июль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76.

Тошкент Молия институти томонидан 1998 йил июлда Атамуродов Тўлқин Тўймуродович номига берилган рўйхат рақами В 225289 бўлган бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## Спорт янгиликлари

***Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида спортни, шу жумладан, футболни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янада юксак босқичларга кўтаришга хизмат қилмоқда.***

### ОДИЛ АҲМЕДОВ:
# ОРЗУИМ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ТЎП СУРИШ


(ЎзА) олган сурат

Тошкентда футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда Махачқальанинг «Анжи» клуби аъзоси Одил Аҳмедов иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида бу алоҳида қайд этилди. «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда жамғарма вакиллари, спорт жамоатчилиги, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

– Ватанимиз Ўзбекистонда футбол жадал ривожланмоқда, – дейди О.Аҳмедов. – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий футболимизни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга, маҳоратли чарм тўп усталарини тарбиялашга улкан эътибор қаратилаётгани бугун футболчиларимиз қўлга киритаётган ютуқларда ўз ифодасини топаётир. Мендай оддий ўзбек йигитининг Европа майдонларида тўп суриши ҳам мамлакатимизда навқирон авлоднинг истеъдод ва иқтидорини юзага чиқариш борасида кўрсатилаётган изчил ишларнинг амалдаги самараларидандир.

«Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан мамлакатимизда футболни оммалаштиришга оид қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жамғарма томонидан 2009 йилда ташкил этилган «Ёш футболчиларни қўллаб-қувватлаш» дастури болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Мазкур дастур доирасида жаҳон футболи юлдузларининг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда ёш футболчиларимиз билан учрашиб, уларга маҳорат сабоқлари ўтиши яхши анъанага айланди.

Одил Аҳмедов – халқаро майдонларда юксак эътирофга сазовор бўлиб, самарали фаолият юритиб келаётган умидли футболчиларимиздан. У 2011 йилги спорт мавсумида Қатарда ўтказилган «Осиё кубоги – 2011» мусобақасида ёркин ўйин кўрсатиб, миллий терма жамоамизнинг кучли тўртликдан жой олишига катта ҳисса қўшди. 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш мусобақасида кўрсатаётган чиройли ўйинлари билан мухлису мутахассислар ишончини оқламоқда.

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан 2011 йилнинг энг яхши футболчиси ва мураббийини аниқлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда О.Аҳмедов йилнинг энг яхши футболчиси, деб топилди.

Моҳир футболчимиз тўп сураётган Махачқальанинг «Анжи» клуби Россия чемпионатида кучли бешликдан жой олиб, Европа лигаси мусобақаларига йўлланма олди.

– 2012-2013 йиллар – футбол бўйича мамлакатимиз терма жамоаси учун масъулиятли давр, – дейди О.Аҳмедов. – Чунки бу вақтда 2014 йили Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш мусобақасининг ҳал қилувчи баҳслари бўлиб ўтади. Орзуим – терма жамоамиз сафида ушбу босқичдан муваффақиятли ўтиб, футбол мундиалига йўлланма олиш ва халқимизнинг юксак ишончини оқлашдир.

«Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган анжуман доирасида Одил Аҳмедов пойтахтимизнинг «Бунёдкор», «Пахтакор», «Локомотив» ва «Чилонзор» футбол клубларида тарбияланаётган бир гуруҳ иқтидорли ёш футболчиларга эсдалик совғалари топширди.

– Бугунги учрашув менда катта таассурот қолдирди, – дейди «Бунёдкор» футбол академияси тарбияланувчиси, 11 ёшли Ғайрат Азизхўжаев. – Етти йилдан бери футбол билан шуғулланаман. Орзуим – Миржалол Қосимов, Одил Аҳмедов, Санжар Турсунов сингари моҳир футболчи бўлиб, терма жамоамиз сафида тўп суриш.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# БОШ МУРАББИЙ ЎЗГАРДИ

***Футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи босқич беллашувларида бундан буён Ўзбекистон миллий терма жамоасини янги бош мураббий майдонга бошлаб тушадиган бўлди.***

Гап шундаки, гуруҳ баҳсларининг биринчи турида Эрон терма жамоасига имкониятни бой бериб қўйган Ўзбекистон терма жамоаси муҳим очколардан маҳрум бўлгани айни ҳақиқат. Ушбу ўйиндан кейин терма жамоамиз бош мураббийси Вадим Абрамов истеъфога чиқди. Энди Абрамов ўрнини Миржалол Қосимов эгаллайди. Ўзбекистон футбол федерациясида мутахассислару мухлислар иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Миржалол Қосимов мураббийлар штабида ўзгаришлар бўлмаслигини, аммо Ливан терма жамоасига қарши сафарда кечадиган ўйинда энг маҳоратли чарм тўп усталари майдонга тушишини таъкидлаб ўтди.

Дарвоқе, Миржалол Қосимов терма жамоага етакчилик қилиш билан бирга «Бунёдкор» командасида ҳам бош мураббий сифатида фаолиятини давом эттиради.

***Бразилияда 2014 йилда футбол бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи босқич гуруҳларида ўтказилган 1-тур баҳслари мухлисларга кутилмаган натижаларни туҳфа этди.***

# КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган Ливан терма жамоаси ўз майдонида қатарлик чарм тўп усталарига 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Жанубий Корея терма жамоаси ушбу турда дам олди. Иккинчи гуруҳдаги Япония-Уммон терма жамоалари баҳсида кунчиқар юрт чарм тўп усталари меҳмонларни 3:0 ҳисобида мағлуб этиб дастлабки уч очкога эга бўлишди. Дарвоқе, ушбу баҳсни ҳамюртимиз, Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳакам Равшан Эрматов бош ҳакам сифатида бошқарди. Қанотларда Равшанга Абдуҳамидулло Расулов ва Баҳодир Кўчқоров ёрдам беришди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ХАЛҚАРО ТУРНИР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

***Францияда теннис бўйича ўтказилаётган энг йирик халқаро турнирлардан бири «Ролан Гаррос»нинг асосий тур баҳсларида Ўзбекистоннинг биринчи рақамдаги теннисчилари Денис Истомин ва Оқгул Омонмуродовалар ҳам ғолиблик учун баҳс олиб бордилар.***



Оқгул украиналик шериги Катерина Бондаренко билан жуфтликлар мусобақасида иштирок этиб, дастлабки босқичда Карла Суарес Наварро (Испания) ва Анастасия Якимова (Белоруссия) дуэтини уч сет якунларига кўра 7-6, 5-7, 6-3 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Иккинчи босқичда уларда россиялик Мария Кириленко ва Надежда Петрова жуфтлиги рақиб бўлди. Муросасиз кечган учрашувда россиялик теннисчилар 6-4, 6-2 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Денис Истомин эса ҳам яккалик, ҳам жуфтлик мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Яккалик баҳсларида дастлабки босқичда россиялик Игорь Куницинни уч сет якунларига кўра 6-2, 6-1, 6-2 ҳисобида катта устунлик билан енгган ҳамюртимизга иккинчи босқичда грунт кортлари «қироли», дунё рейтинг жадвалида иккинчи ўринда бораётган Рафаэль Надал (Испания) рўбарў келди. Ушбу баҳс мазкур халқаро турнирда ғолибликка асосий даъвогар ҳисобланган Рафаэль Надал фойдасига ҳал бўлди.

Денис Истомин яккалик баҳсларида иккинчи босқичга қадар етиб келган бўлса, жуфтликлар мусобақасида россиялик шериги Михаил Елгин билан бирга учинчи босқичга қадар чиқишга муваффақ бўлди. Биринчи босқичда бельгиялик Стив Дарсис ва Оливье Рохус жуфтлиги 3-6, 6-3, 7-6 ҳисобида мағлуб этилгач, иккинчи босқичда Леандр Паес (Ҳиндистон) ва Александр Пейя (Австрия) дуэтини 6-4, 6-1 натижаси билан енгишга муваффақ бўлдилар. Чорак финалгача бериладиган йўлланма учун Оливер Марах (Австрия) ва Орасио Себальос (Аргентина)га қарши кортга чиққан Денис Истомин(Ўзбекистон) ҳамда Михаил Елгин (Россия) жуфтлиги икки сет якунига кўра 3-6, 4-6 ҳисобида имкониятни бой берди.

Албатта, дунёнинг етакчи ракетка усталари иштирокида ўтадиган мазкур нуфузли мусобақада учинчи босқичга қадар етиб келиш учун, теннисчидан юксак жисмоний ва руҳий тайёргарлик талаб этилади. Эътиборлиси, Денис Истомин айни пайтда юқори формада эканлигини амалда яна бир бора исботлади ва қўшимча рейтинг очколарини ўз ҳисобига ёзиб қўйди.

Ҳозирда, Денис Истомин АТПнинг янги рейтингида 7 ўрин юқорига кўтарилиб 43-ўринда бормоқда. 26 ёшли теннисчи Ўзбекистоннинг биринчи рақамли ракеткаси номини ҳали ҳам ўзида сақлаб турибди. Бутунжаҳон теннис федерациясининг расмий сайти тарқатган маълумотларга кўра Денис Истомин АҚШнинг Калифорния штати Индиана-Уэльс шаҳрида ташкил этилган АТП-Мастерс мусобақасидаги иштироки сабаб рейтингда кўтарилишга эришган. Ўзбекистонлик теннисчи ушбу мусобақанинг чорак финалига қадар етиб бориб, 90 очко тўплашга муваффақ бўлганди. Истомин АТПнинг янги рейтингида Осиёнинг иккинчи ракеткаси номини ҳам сақлаб қолишга муваффақ бўлган — ўзбекистонлик теннисчидан олдинда фақатгина Япония вакили — Кейи Нишикори бормоқда (умумий рейтингда 1685 очко билан 16-ўринда). Маълумки, Франция очиқ чемпионати якунларига кўра дунё рейтинг жадвалида кучли 50 таликдан ўрин эгаллаган теннисчилар Лондон-2012 ўйинлари йўлланмаларига эга бўладилар. Бу борада Олимпиада лицензиясини деярли нақд қилиб қўйган Денис Истомин «Ролан Гаррос» турниридаги иштироки билан Олимпиада ўйинлари сари яна бир дадил қадам ташлади. Умид қиламизки, 2010 йили Гуанчжоуда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида ҳам яккалик, ҳам жуфтлик баҳсларида финалга қадар етиб келган Денис Истомин Олимпиада ўйинларида ҳам ўзига билдирилган ишончни аъло даражада оқлайди.

**Раббонақул МУХТОРОВ**

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Жаннат аслида кўнгил хотиржамлиги.**

* * *

**Гавҳардан бехабар хас-хашакка маҳлиё бўлади.**

* * *

**Тажриба барибир ўз сўзини айтади.**

* * *

**Жаҳолатнинг тантанаси вақтинча.**

* * *

**Ҳамма нарсанг кетса ҳам, умидинг қолсин.**

* * *

**Чораси топилган иш учун ғам ема.**

* * *

**Душманнинг ҳам бори яхши – кишини ҳушёр торттиради.**

* * *

**Етишмаганинг азиз бўлади.**

* * *

**Бир адашиб кўзи очилмаган кўрлигича дунёдан ўтади.**

* * *

**Кўрқоқнинг жондан ўзга ғами йўқ.**

* * *

**Ҳамманинг ҳожатини чиқариб юрганнинг ўзининг ҳожати битмай қолади.**

* * *

**Ота-онанинг ташвиши ҳеч қачон тугамайди: бир боласидан қутулса, иккинчисига тутилади.**

* * *

**Ўйи бошқанинг йўли бошқа.**

* * *

**Муттаҳам биров топган давлатга ўзини дахлдор деб билади.**

* * *

**Бир ёлғон иккинчи ёлғонни бошлаб келади.**

* * *

**Тили узуннинг умри қисқа бўлади.**

* * *

**Кўпга интилмаган озга ҳам эришмайди.**

* * *

**Бурч бизни масъулиятга ундайди.**

* * *

**Биз ҳамиша муайян бурчнинг остида яшаймиз.**

* * *

**Миннат юки тоғдан оғир.**

* * *

**Ҳар қандай ёмонликдан ҳам яхшилик қидириб яшаш керак.**

* * *

**Пастдан туриб юқорида нима борлигини кўриб бўлмайди.**

* * *

**Умид билан яшаш яхши, лекин умидга алданиб ҳам қолмаслик керак.**

* * *

**Бошқаларга нисбатан талабчанмизу ўзимизга қолганда кўнгилчан.**

* * *

**Ёмоннинг бахти кулса, яхшининг шўри қурийди.**

* * *

**Баъзида бировга отилган тош бошқанинг кўзини чиқаради.**

* * *

**Вақт ўғрисига жазо йўқ.**

* * *

**Манфаат одамининг иши ўйин бўлади.**

**(Давоми бор)**
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **8 июнда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **8 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, Аббосова кўчасида жойлашган «Цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони» қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 166 151 250 сўм. 2. 01.02.2011 й. № 361-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчаси, 6-уйда жойлашган «Садаф» МЧЖга қарашли бино иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 653 880 600 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 26 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184 - уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052

*Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?*
*Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?*
*Унда шошилиб таваккал қилманг.*
*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

**Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.**

**Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.**

**Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади. "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.**

***Унутманг! "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.***

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

Лицензия: RR-0001.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 641

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9477 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.05

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5